



## Куч – ҳамжиҳатликда

Эътироф

Давлатимиз раҳбари Туркий Давлатлар Ташкилоти давлатлари жойлашган ҳудудлар ўз географик ва геологик хусусиятларига кўра, табиий офат, хавф-хатарлар фаол содир бўладиган макон ҳисобланишига алоҳида эътибор қаратдилар ва албатта мана шу йўналишда бир қатор таклифларни илгари сурдилар.

Илмий ва технологик соҳаларда эришилган ютуқларга қарамасдан, zilzilalar, sel va сув тошқинлари, ўрмон ёнғинлари, бўронларни олдиндан аниқлаш ва эрта огоҳлантириш ҳамон долзарб вазифа бўлиб қолмоқда. Бу жараёнларни чуқур ўрганиш, соҳага фан ва технологияларни кенг жорий этиш катта ижобий самара бериши аниқ, дея таъкидладилар Юртбошимиз.

Шундан келиб чиқиб, Давлатимиз раҳбари ташкилот доирасида табиий офатлар мониторинги ва таҳлили марказини тузиш ҳамда уни Тошкентда жойлаштириш ташаббусини ҳам илгари сурдилар.

Бундан ташқари, Туркий давлатлар ташкилотларининг фавқулодда вазиятларга ихтисослашган халқаро тузилмалар билан амалий ҳаракатларини кучайтириш лозимлигини ҳам таъкидлаб ўтдилар.

Албатта, бу саммитда кўтарилган ташаббус ва таклифлар Фавқулодда вазиятлар вазирлиги олди-га жуда катта вазифаларни қўяди. Бу вазифаларни бажаришга вазирлик тайёр ва буни шараф билан адо этамиз.

**Абдулла ҚҮЛДОШЕВ,**  
Фавқулодда вазиятлар вазири,  
генерал-майор.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 9 июлдаги “Ички бозорни қум-шағал материаллари билан барқарор таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 3 декабрдаги “Дарёлар ўзанларини тозалаш ишларига тадбиркорлик субъектларини электрон онлайн-аукцион орқали жалб қилиш тартибини жорий этиш тўғрисида”ги қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида, Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятларида Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги, Табиат ресурслари вазирлиги ҳудудий бўлимлари ҳамда дарё ўзанини тозалашга жалб этилган тадбиркорлик субъектлари билан ҳамкорликда дарё ўзанларини тозалаш, бу борадаги тадбирларни белгиланган лойиҳа параметрлари асосида амалга оширишга бағишланган семинарлар ўтказилди.

## МУСТАҲКАМ ҚИРҒОҚ – МЕТИН ҚАЛҚОН



Семинарлар назарий ва амалий босқичларда ташкил қилинди. Тадбирнинг назарий қисмида дарё ва сой ўзанларида тозалашга рухсат этилган тадбиркорлик субъектлари томонидан лойиҳа параметрлари, экологик экспертиза хулосалари асосида ўзани тозалаш ва қирғоқларда тўқима дамба ҳосил қилиш ишларини олиб бо-

риш бўйича тушунчалар берилди. Амалий қисмда эса дарё ва сой ўзанларини тозалаш ишлари белгиланган тартибда кўрсатилди.

Тадбир якунида мутахассислар иштирокчиларнинг саволларига батафсил жавоб бердилар.

ФВВ матбуот хизмати.

## ОБОД МАҲАЛЛА – ЮРТ КҮРКИ

ФВВ тизими ходимлари “Обод ва файзли маҳалла – юрт кўрки” шиори остида ташкил этилган умумхалқ ободонлаштириш хайрия ҳашарида фаол иштирок этдилар.

Мазкур тадбирларга вазирлик Марказий аппарати, ҳудудий ФВБлар ва таркибий тузилмалар ҳарбий хизматчилари ва хизматчилари муносиб ҳисса қўшдилар.

Жумладан, Махсус муҳандислик-қурилиш бошқармаси шахсий таркиби Тошкент вилояти Тошкент туманидаги “Эшонхўжа ота” жомеъ масжиди ҳамда “Ҳасанбой” МФЙдаги қабристонларда ободонлаштириш хайрия ҳашарларини ташкил этдилар.

Ҳашар давомида йўллар, ариқлар чиқиндилардан тозаланиб, ҳудудлардаги ерлар чопилди. Дарахт ва деворлар оқланиб, кўчатлар ўтқазилди.

**Ш.АҲМАДАЛИЕВ,**  
ММҚБ бўлим бошлиғи,  
капитан.  
**И.КАЖАНОВ,**  
катта техник, оддий аскар.





## ЯНГИАРИҚДА САЙЁР ҚАБУЛ

Урганч ҳарбий прокуратураси томонидан Янгиариқ туманидаги 11-ихтисослашган мактабда сайёр қабул ташкил этилди.

Тадбирда ташкилот ва идораларнинг масъул мутахассислари, шунингдек, ҳарбий хизматчилар, Қуролли Кучлар хизматчилари, уларнинг оила аъзолари ҳамда ҳарбий пенсионерлар қатнашдилар. Тадбир давомида ишга жойлашиш, имтиёзли уй-жойга эга бўлиш, ҳарбий гувоҳнома олиш, тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш ва бошқа

масалалар бўйича жами 19 та мурожаат қабул қилинди. Уларнинг 2 таси жойида қаноатлантирилган бўлса, 10 таси назоратга олинган ҳолда ваколатли ташкилотларга юборилди. 7 та мурожаатга ҳуқуқий тушунтириш берилди.

**Сардор СОБИРОВ,**  
Урганч ҳарбий  
прокурори  
ёрдамчиси, адлия  
подполковниги.



## “ОЧИҚ ЭШИКЛАР КУНИ”

Тошкент ҳарбий прокуратураси томонидан Зангиота туманидаги Мудофаа вазирлигига қарашли ҳарбий қисмларнинг бирида тумандаги 31-, 38-умумтаълим мактабларининг ўқувчи-ёшлари иштирокида “Очиқ эшиклар куни” тадбири ташкил этилди.



Тадбир давомида Тошкент ҳарбий прокурори Акбар Бобоев томонидан ўқувчи-ёшларда Ватанга садоқат туйғуси ва ҳуқуқий саводхонликни ошириш, Қуролли Кучлар тизимида олиб борилаётган ислохотлар, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларига яратилаётган шароитлар ҳусусида маълумотлар берилди.

Шунингдек, “Гиёҳвандликка қарши кураш ва унинг олдини олиш” мавзусида маъруза қилиниб, ёшларни қизиқтирган барча саволларга жавоб берилди.

Оркестр жамоаси вакиллари ўз куй-қўшиқлари билан йиғилганларга ҳуш кайфият бағишлади.

**Абдулатиф ИСАРОВ,**  
Тошкент ҳарбий прокурори ёрдамчиси,  
адлия капитани.

## ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАР УЧУН ИМТИЁЗЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 13 мартдаги “Ватан ҳимояси ва юрт тинчлиги йўлида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар ва ходимлар оила аъзоларини ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтириш чора-тадбирлари туғрисида”ги фармонини ўқиб, кўз олдимга Ватан учун ширин жонини фидо қилган қаҳрамон ҳарбийларимизнинг мунис ва муътабар ота-оналари, рафиқалари ҳамда азиз фарзандларига қаратилган эъти-

бордан уларнинг қанчалик кўнгли кўтарилишини тасаввур қилдим. Чунки шундай оилалар борки, ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларимиз уларнинг ёлғиз боқувчиси ва суюнчиғи бўлган. Ватан учун жонини фидо этган қаҳрамонларимиз ичида ҳарбийлик касбини танлаган, шу соҳада садоқат билан хизмат қилган йигит-қизлар бор.

Бу эътибор, ўз навбатида, мамалакатимизда юрт тинчлиги, фаровонлиги учун қилинган хиз-

Тошкент ҳарбий прокуратураси ҳамда ФВВ Академияси билан ҳамкорликда ҳарбий хизматчилар ҳамда курсантлар иштирокида “Ёнғинлар юзасидан терговга қадар текширув соҳасидаги муаммолар ва уларнинг ечимлари” мавзусида илмий-амалий анжуман ўтказилди.

## АНЖУМАН



Анжуманда Тошкент ҳарбий прокуратураси катта терговчиси Аҳрор Холмуминов иштирок этиб, қатнашчиларга терговга қадар текширув ўтказиш жараёнида йўл қўйилиши мумкин бўлган камчиликлар ҳамда уларни бартараф қилиш бўйича зарур тавсиялар берилди.

Шунингдек, тадбир давомида Х.Сулаймонова номидаги Республика суд-экспертиза маркази мутахассислари томонидан ёнғин-техникавий экспертиза тайинлашда эътибор қаратилиши лозим бўлган ҳолатлар ҳақида ҳам маълумотлар айтилди.

**Яҳё САМАДОВ,**  
Тошкент ҳарбий прокурори ёрдамчиси,  
адлия капитани.

Бухоро ҳарбий прокурори М.Бозармирзаев ва бошқа бир қатор мутасадди идора вакиллари иштирокида “Жасорат мактаби” ҳарбий ватанпарварлик ўқув йиғинининг якунланиши муносабати билан тадбир ташкил этилди.

## СПОРТ МУСОБАҚАСИ

Бухоро гарнизонидаги ҳарбий қисмларнинг бирида ўтказилган тадбир давомида Ҳарбий эстафета, шахмат, волейбол, мини футбол ва миллий кураш спорт мусобақалари ҳамда “Заковат” интеллектуал ўйинида ғолиб бўлган жамоалар кубок, диплом ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланишди.

**Дилшод АБДУЛЛАЕВ,**  
Бухоро ҳарбий прокурори ёрдамчиси.



## ТОВЛАМАЧИЛИКДАН ОДАМ ЎГИРЛАШГАЧА

Судланувчи Э.Д. ўзига олдиндан таниш бўлган Т.О.дан ўрталаридаги мулк муносабатларига аниқлик киритиш учун ўзбошимчилик йўли билан пул талаб қилган. Шу мақсадда танишлари А.С. ҳамда Р.С. билан жиноий тил бириктириб, Т.О.ни ўғирлаш режасини тузишади ва Т.О. яшайдиган манзилга боришади. Унга бир йилдан буён пулини бермасдан, алдаб юрганлигини айтишади ва мажбурлаб автомашинага чиқаришади. Автомобилни Сергели туманидаги овлоқ жойга олиб боришади. Шу пайтда хизмат вазифасини бажараётган патрул пост ходимлари келиб қолишади. Шунда Т.О. 5 миллион сўм топиб берасан, деб шу ерга олиб келишганлигини айтади. Уларнинг барчасини Янгиҳаёт туманидаги профилактика инспектори хонасига олиб боришади. Суриштирув давомида бу учаласи Т.О.дан товламачилик йўли билан пул талаб қилиб, уни ўғирлашни режалаштиргани маълум бўлди.

Тўғри, улар ўртасида мулк муносабатлар бўлган. Жабрланувчи пулнинг маълум қисмини қайтарган, ҳаттоки, гаров сифатида тилло буюмларини ҳам уларга берган. Бироқ, Э.Д. ва унинг шериклари ноқонуний талаб қўйишган. Уни мажбуран машинага ўтказиб, овлоқ жойга олиб боришган.

– Ўша куни улар мени пойлаб ўтиришган экан, машинадан тушишим билан зўрлик ишлатишди, – деди суддаги кўрсатмасида жабрланувчи Т.О. Улар олдиндан мени ўғирлаш режасини тузишган экан. Агар патрул пост хизмати ходимлари келишмаганида ҳаётим хавф остида қоларди, – деди жабрланувчи.

Судланувчилар ушбу жиноятни содир этганликда айбдор, деб топилди. Уларнинг ҳар бири 5 йил муддатга озодликдан маҳрум этилди.

**Ҳусанбой ПАРПИЕВ,**  
жиноят ишлари бўйича  
Яккасарой туман  
судининг судьяси.

матнинг ҳеч қачон бесамар кетмаслигининг яққол далилидир. Шу пайтгача олиб борган ишларимизни тизимли ва қонуний асосда изчил давом эттиришимизда мазкур фармон муҳим аҳамият касб этади.

Бу каби хайрли ҳамда эзгу амаллар боис, муқаддас бурч йўлида жон фидо этган йигитлар руҳи шод, оила аъзоларининг ярим кўнгли обод бўлади, албатта.

**Г.КАДИРОВА,**  
Шайхонтоҳур тумани ФВВ ЁН ва ПБ  
мутахассиси, оддий аскар.



## АСКАРЛАР ФВВ САФИДА

Тошкент шаҳар Мудофаа ишлари бошқармаси томонидан ҳарбий хизматга қақрилганларни хизмат ўташ жойига кузатиш маросими ташкил этилди. Унда Тошкент ҳарбий округи қўмондонлиги, ФВВ, ИИБ, Миллий гвардия, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Тошкент шаҳар прокуратураси вакиллари қатнашдилар.



Тантанали маросим хизматга қақрилганларнинг саф кўригидан бошланди. Мудофаа вазирлиги Ҳаво-десант ва Ички ишлар вазирлиги Қоровул кўшинлари ҳарбий хизматчиларининг кургазмали чиқишлари намойиш этилиб, концерт дастури ташкил этилди.

Ҳарбий хизматга қақрилган ҳар бир аскарга фахрийлар, шаҳар ҳокимлиги вакиллари иштирокида совгалар топширил-

ди. Тантанали тадбир ота-оналар иштирокида ўтказилиб, ҳарбий хизматга қақрилганлар ФВВ, ИИБ ва Миллий гвардия тасарруфига ҳарбий хизматга кузатиб қўйилди. Эътиборлиси шундаки, хизматга юборилганларнинг тўртдан бир қисми ФВВ ҳарбий қисмларига тақсимланди.

**М. ТИНИБЕКОВ,**  
ФВВ Академияси  
ҳузуридаги ФМИ  
ўқитувчиси.

FVV Akademiyasi huzuridagi Boshlang'ich tayyorgarlik va malaka oshirish markazi boshlang'ich kurs tayyorgarligidan o'tayotgan yong'in-qutqaruv qismi qutqaruvchilari o'rtasida "Favqulodda vaziyatlarni bartaraf etish asosiy va zifamiz" shiori ostida intellektual o'yin o'tkazildi.

## INTELEKTUAL O'YIN



Musobaqa ishtirokchilari "Blits savol-javob", "Jangovar tekshirish" va "Topqirlar bahsi" shartlari bo'yicha "Yong'in o'chirish taktikasi" va "Yong'in-qutqaruv texnikasi asoslari" kabi fanlardan o'quv yig'ini davomida olgan bilimlarini mustahkamladilar.

G'oliblar markaz boshlig'ining faxriy yorlig'i hamda esdalik sovg'alari bilan taqdirlanishdi.

**A. TURDIYEV,**  
FVV Akademiyasi  
huzuridagi BTvaMOM  
psixologik ta'minlash  
bo'linmasi boshlig'i,  
leytenant.

Навоий вилояти ФВБда "UNICON-SOFT" МЧЖнинг мутахассислари иштирокида "ijro.gov.uz" идоралараро ягона электрон ҳужжат айланиш тизимидан самарали фойдаланиш бўйича амалий-ўқув семинари бўлиб ўтди.

## ИШ ЮРИТИШГА БАҒИШЛАНДИ

Бошқарма бошлиғи, бошлиқ ўринбосарлари, иш юритиш ва архив ишлари бўлинмалари ходимлари ҳамда "ijro.gov.uz" тизимида фаолият юритувчи масъул ходимлар қатнашган

мазкур тадбирда ҳужжатларни электрон кўринишда юритиш, "edo.ijro.uz" тизимида самарали ишлаш тартиби, "ijro.gov.uz" тизимидан фойдаланиш, ижро интизоми назоратини норматив



ҳужжатлар асосида олиб бориш, архив ишини юритиш тартиби ва ижро интизомига масъул раҳбарларнинг шахсий масъулиятини ошириш хусусида маълумотлар берилди.

Мутахассислар томонидан тизимдан фойдаланиш жараёнида юзага келган саволларга батафсил тушунтириш берилди.

**Р. РАҲМАТОВ,**  
Навоий вилояти  
ФВВ ходими, майор.

## ОЙЛИК ДОИРАСИДА

ФВВ Академияси ҳузуридаги Фуқаро муҳофазаси институтининг бир гуруҳ профессор-ўқитувчилари томонидан Тошкент шаҳар Бектемир туманидаги 293-умумтаълим мактаби ўқувчи ва ўқитувчилари, "Миришкор" МФИ масъул ходимлари ҳамда 572-мактабгача таълим ташкилоти тарбиячи ва тарбияланувчилари иштирокида фавқуллодда вазиятлардан муҳофазаланиш тадбирлари бўйича машғулотлар олиб борилди.

Тадбирлар давомида маҳаллаларда ташкил этилган ўқув маслаҳатхоналарини жиҳозлаш бўйича услубий ёрдам курсатилиб, эслатма материаллари тарқатилди.

**Ш.ХОЛИҚОВ,**  
ФВВ Академияси ҳузуридаги ФМИ  
кафедра бошлиғи, полковник.  
**Н.НАЗАРОВА,**  
ФМИ катта ўқитувчиси.



## ТУШУНЧАЛАР БЕРИЛДИ

Самарқанд Иқтисодиёт ва сервис институтида профессор-ўқитувчилар ва талабалари иштирокида "Зилзилага қадар, зилзила вақтида ва зилзиладан сўнг ҳаракатланиш қоидалари" мавзусида ўқув семинари ўтказилди.

Унда вилоят ФВВ Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги ўқув маркази ўқитувчи-услубчиси А. Турдикулов томонидан иштирокчиларга зилзила ва унда туғри ҳаракатланиш бўйича умумий тушунчалар берилди.

Тадбир якунида иштирокчиларнинг саволларига жавоб берилди.

**С.АДИЛОВ,**  
Самарқанд вилояти ФВВ ҲФХҲМ ўқитувчиси.

## "YASHIL MAKON"

Yangiariq tumanida "Yashii makon" umum-milliy loyihasi doirasida ko'chat ekish bo'yicha seminar tashkil qilindi.

"Tagan" mahallasida 4,5 gektar maydonni o'z ichiga olgan yashii hududda ham 1000 tupdan ortiq manzarali va mevali daraxt ko'chatlarini ekish boshlab yuborildi.

Shu qatorda tuman FM bo'limi xodimlari ham

300 tup mevali va manzarali daraxt ko'chatlarini ekib, loyihada faol qatnashdilar.

**A.MAMATSAPAYEV,**  
Yangiariq tumani  
FV bo'limi bo'linma  
boshlig'i, katta  
leytenant.

## O'QUV SEMINARI

"Sho'rtangazkimyo" majmuasida "Aholi va hududlarni tabiiy xususiyatli favqulodda vaziyatlardan muhofaza qilish va sodir bo'lganda to'g'ri harakat qilish" mavzusida o'quv-amaliy seminar o'tkazildi.



Korxonaning barcha sex rahbarlari, yong'in xavfsizligiga javobgar shaxslar hamda mas'ul xodimlariga viloyat FVB HFXO'Mning tajribali o'qituvchilari tomonidan zilzila va boshqa tusdagi favqulodda vaziyatlarda harakatlanish qoidalari, kelib chiqish sabablari hamda oqibatlari haqida tushunchalar berildi.

Shuningdek, seminar davomida yong'in-qutqaruv texnikalari va asbob-anjomlarining ko'rgazmasi ham tashkil etildi. Ishchi-xodimlar yong'in hamda turli favqulodda vaziyatlarda foydalaniladigan anjomlar xususida bilim va ko'nikmalarga ega bo'lishdi.

**Umrzoq JO'RAYEV,**  
Qashqadaryo viloyati FVB OBYXTTEB boshlig'i.



## “ЭРТОШСОЙ”ДА МАШҚ

А-373–“Тошкент-Ўш” автомобиль йўлининг 214 км. даги “Эртошсой” кўпригида “Табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулдда вазиятларни бартараф этишда объект ФМ тузилмаларининг ҳудудий ФВДТ хизматлари билан ҳамкорликдаги ҳаракатлари” мавзусида 3 босқичдан иборат махсус-тактик ўқув машқи ўтказилди.



Тадбирнинг биринчи ва иккинчи, яъни назарий қисмларида иштирокчилар “Қамчиқавтойўл” ИЙФУК томонидан ФМ соҳасида ишлаб чиқилган ҳужжатлар билан танишдилар. Шунингдек, шахсий ҳимоя воситаларидан фойдаланиш тартиби бўйича тушунтириш ишлари олиб борилди. Махсус техникалар саф кўриги орқали машқнинг ғояси ва мақсади ҳақида маълумот берилди.

Амалий тадбирлар босқичида А-373–“Тошкент-Ўш” автомобиль йўлининг 214 км. оралиғида жала-ёмғир меъёридан ортиқ ёғиши натижасида кўприк остидан катта миқдорда сел сувла-

рининг ўтиб кетиши ҳамда кўприк устунларининг емирилиши сабабли кўприкнинг мустаҳкамлигига шикаст етганлиги маълум бўлди. Натижада кўприк устидан ҳаракатланиб кетаётган юк ва энгил автомобиллари ҳайдовчилари бошқарувни йўқотиб, бир-бири билан тўқнашув содир этган. ЙТХ оқибатида энгил автомобилда ёнғин келиб чиқиб, юк ва энгил автомобиллари ҳайдовчилари жароҳатланган. Шунингдек, кўприкка

хизмат кўрсатувчи йўл қурилиш бўлими ходими кўприкдан сойнинг қирғоғига қулаб тушиб, жароҳатланган.

Шартли вазият оқибатларини бартараф этиш юзасидан тегишли хизмат ва ташкилотларнинг амалий ҳаракатлари олиб борилди.

**М.ДАРХАНОВ,**  
**“Қамчиқ” МҚЁҚБ**  
**бошлигининг биринчи**  
**уринбосари,**  
**подполковник.**

**Olmazor tumani FV bo'limi 2-YQQda tumandagi umumta'lim maktablarining “Yosh qutqaruvchi” ko'ngillilar klublari o'rtasidagi tuman bosqichi musobaqalari bo'lib o'tdi.**

## BELLASHUV

Unda 31 ta umumta'lim maktabi jamoalari qatnashib, o'z mahoratlarini namoyon etishdi. Musobaqa yakuniga ko'ra, 3-o'rin 326-umumta'lim maktabi jamoasiga nasib etgan bo'lsa, 2-o'rinni 224-umumta'lim maktabi jamoasi egalladi. 1-o'ringa 134-umumta'lim

maktabi jamoasi munosib ko'rildi.

G'olib hamda sovrindorlarga kubog, medal, faxriy yorliq va sport anjomlari topshirildi.

**Sarvar ANOROV,**  
**Olmazor tumani FV bo'limi**  
**inspektori, kapitan.**



**Uchqo'rg'on tumanidagi umumta'lim maktabi o'quvchilari o'rtasida “Yosh qutqaruvchi” ko'ngillilar klubi musobaqasi o'tkazildi.**

## QIZG'IN BAHSLAR



Unda tuman hokimligi, FV bo'limi, Maktabgacha va maktab ta'limi bo'limi, tuman Qizil Yarim Oy jamiyati, Yoshlar ishlari agentligi tuman bo'limi, tibbiyot birlashmasi tasarrufidagi Tez tibbiy yordam markazi hamda madaniyat bo'limi xodimlari ishtirok etishdi.

Bellashuvlar tumandagi 37-umumta'lim maktabida bo'lib, unda 5 ta “Yosh qutqaruvchi” ko'ngillilar klublari o'zaro bahs olib borishdi.

Bellashuvlar yakuniga ko'ra, 1-o'rinni 37-umumta'lim maktabining “Yog'du yulduzla-

ri” jamoasi egallab, musobaqaning viloyat bosqichiga yo'llanmani qo'lga kiritdi.

Shuningdek, 2-o'rin 23-umumta'lim maktabining “Mard o'g'lonlar” jamoasiga, 3-o'rin esa tuman Ixtisoslashtirilgan maktabidagi “O'zbekim o'g'lonlari” jamoasiga nasib etdi.

G'olib va sovrindorlarga diplom, faxriy yorliq hamda esdalik sovg'alari topshirildi.

**Sardor MO'MINOV,**  
**Uchqo'rg'on tumani FV**  
**bo'limi bo'linma boshlig'i,**  
**kapitan.**

## YANGI REKORDLAR SARI

Qashqadaryo viloyati FVB va uning quyi tuzilmalari o'rtasida sportning voleybol turi bo'yicha boshqarma birinчилиги o'tkazildi. Bellashuvda harbiy xizmatchi va xizmatchilardan iborat 45 ta jamoa qatnashdi. Qizg'in va ko'tarinki kayfiyatda o'tgan musobaqaning yakuniy natijalariga ko'ra, harbiylar o'rtasida 3-o'rinni boshqarma “Sho'rtanneftgaz” 36-yong'in-qutqaruv qismi jamoasi, 2-o'rinni “Sho'rtangazkimyo” 40-yong'in-qutqaruv qismi jamoasi qo'lga kiritgan bo'lsa, 1-o'rinni boshqarma apparati jamoasi egalladi.

Xizmatchilar o'rtasida ishtirok etgan maxsus vazifalarni bajaruvchi qutqaruv otryadi jamoasi 1-o'ringa munosib ko'rilgan bo'lsa, 2-o'rinni Dehqonobod tumani jamoasi va 3-o'rin Kasbi tumani jamoasiga nasib

etdi. Musobaqa g'oliblari esdalik sovg'alari va faxriy yorliqlar bilan taqdirlandilar.

Qolaversa, boshqarma va uning hududiy bo'limlari xodimlaridan iborat jami 228 nafar harbiy xizmatchi va xizmatchi

“Yangi rekordlar sari” shiori ostida 10 km. masofaga yugurish marafonida ishtirok etdi. Marafonning 5 nafar g'olibiga Respublika bosqichi uchun yo'llanma berildi.

Shuningdek, shahar, tuman FV bo'limlari va obyekt binolarida yong'in xavfsizligini ta'minlashni tashkil etish bo'lim (bo'linma)larining yong'in-qutqaruv qismida xizmat olib borayotgan smena boshliqlari va qutqaruvchilar o'rtasida turnik to'siniga tortilish, 100 metr va 3000 metr masofaga yugurish turi bo'yicha viloyat birinчилиги musobaqasi o'tkazildi.

G'oliblar boshqarmaning faxriy yorliqlari va esdalik sovg'alari bilan taqdirlandilar.

**Sohib RAVSHANOV,**  
**Qashqadaryo viloyati**  
**FVB bo'lim boshlig'i,**  
**podpolkovnik.**

**Akbar RAHMATULLAYEV,**  
**Shahrisabz tumani FV**  
**bo'limi bo'linma boshlig'i,**  
**kapitan.**



## TA'LIM MASKANIDA

**FVV Akademiyasi huzuridagi Boshlang'ich tayyorgarlik va malaka oshirish markazi tomonidan Samarqand viloyati Pasterg'om tumanidagi ixtisoslashtirilgan maktab o'quvchilari ishtirokida “Ochiq eshiklar” kuni tadbiri o'tkazildi.**

Unga maktabning 9-10-sinf o'quvchilari jalb etilib, markazning malakali mutaxassislari tomonidan Favqulodda vaziyatlar vazirligining qutqaruv, tog' va avariya-qutqaruv asbob-anjomlari, radiatsion, kimyoviy, biologik zararlangan obyektlarda yong'in o'chirishda

qo'llaniladigan asboblarni hamda himoya vositalari, yong'in o'chirish avtomobili (texnikasi), uning tarkibiy qismlari, tuzilishi to'liq tanishtirildi.

Shu bilan birga, viloyatdagi o'ta muhim va toifalangan obyektlarning ko'rgazmali ma-

ketlarida mashg'ulot o'tkazilib, nazariy tushunchalar berildi. Tadbir yakunida o'quvchilar yong'in-qutqaruvchilarning jangovar yoyilishiga oid amaliy mashg'ulotining guvohi bo'lishdi.

**F.MAVLONOV,**  
**FVV Akademiyasi huzuridagi**  
**BTvaMOM kadrlar bo'linmasi**  
**boshlig'i, podpolkovnik.**







Xorazm viloyati FVB shaxsiy tarkibi o'rtasida "Sog'lom turmush – sog'lom oila" shiori ostida yugurish marafoni o'tkazildi.

Mazkur marafonning viloyat bosqichida g'oliblikni qo'lga kiritgan xodimlar Respublika bosqichi yo'llanmasiga ega bo'lishadi.

Marafon yakuniga ko'ra, Shovot tumani FV bo'limi 21-YQQ qutqaruvchisi Oybek Jabborov 3-o'rinni, Qo'shko'pir tumani FV bo'limi 10-YQQ navbatchi-dispatcheri Sardor Yuldashev 2-o'rinni egallagan bo'lsa, 1-o'rin Urganch tumani FV bo'limi 11-YQQ qutqaruvchisi Ma'murjon Matyakubovga nasib etdi.

Yuqori natijalarni qo'lga kiritgan Ur-

ganch shahar FV bo'limi 1-YQQ qutqaruvchisi oddiy askar Bunyod Rahimov hamda Qo'shko'pir tumani FV bo'limi 10-YQQ navbatchi-dispatcheri Jahongir Saparboyev respublika bosqichida qatnashish huquqini qo'lga kiritishdi.

Tadbir yakunida g'oliblarga diplom va esdalik sovg'alari topshirildi.

**Sh.SAMANDAROV,**  
Xorazm viloyati FVB  
TXvaJTTEB boshlig'i,  
mayor.

## ХАШАР

*"Қамчиқ" махсус қидирув, ёнғин-қутқарув бошқармаси ҳарбий хизматчилари ва хизматчилари "Обод ва файзли маҳалла – юрт кўрки" шиори остида ўтказилган хайрия ҳашарида фаол иштирок этишди.*

"Бешқўл", "Қамчиқ", "Чо-дак", "Резак" навбатчилик масканлари ҳамда ёнғин-қутқарув отрядларида ободонлаштириш ишлари амалга оширилди.

Тадбир давомида бошқарма ва отрядлар тураргоҳларининг ариқлари тозаланди, дарахтлар оқланди, ерларга ишлов берилиб, атрофдаги бегона ўтлар олиб ташланди. Чиқиндилар махсус жойларга чиқарилиб, қулай шароит яратилди.

**Б.ХАЛИКОВ,**  
"Қамчиқ" МКЎҚБ КТ ва МИБ  
бошлиғи, майор.



## КАСАЛЛИККА ҚАРШИ

"Фавқулдда вазиятларнинг олдини олиш ва Фуқаро муҳофазаси ойлиғи" муносабати билан Бектемир тумани ФВ бўлими профилактика инспекторлари томонидан Тиббиёт бирлашмаси ҳамда ветеринария бўлими ходимлари ҳамкорлигида туман ФВДТ куч-воситалари иштирокида "Аҳоли ўртасида Қрим-Конго геморрагик иситма касаллиғи тарқалишининг олдини олишда фавқулдда вазиятлар давлат қўйи тизим хизматларининг ҳамкорликдаги ҳаракатлари" мавзусида бир қатор учрашув, семинар ва махсус-тактик ўқув машқлари ўтказилмоқда.



Мазкур тадбирлар давомида Қрим-Конго геморрагик иситмаси ўта хавфли, ўткир юқумли касаллик эканлиги тўғрисида маълумотлар берилмоқда. Касалликка гумон қилинган шахсларни шифохонага олиб бориш ҳамда касалхонада қабул қилиш билан боғлиқ ҳолатлар кўрсатиб ўтилмоқда.

Тадбирнинг ҳар бир иштирокчиси ўзини қизиқтирган саволларга жавоб олишмоқда.

**Дониёр КЕНЖАБОЕВ,**  
Бектемир тумани ФВ бўлими  
бўлимма бошлиғи, капитан.

## AEROPORTDA MASHG'ULOT

Farg'ona xalqaro aeroportida "Favqulodda vaziyatlardan muhofaza qilish va fuqaro muhofazasi" oyligi doirasida kompleks amaliy-o'quv mashg'uloti o'tkazildi.

Mashg'ulotga jami 115 nafar shaxsiy tarkib va 18 ta asosiy, maxsus ham-

da yordamchi texnikalar jalb etildi. O'quv mashqida shartli



ravishda aeroport hududiga qo'nayotgan yo'lovchi samolyotning qo'nish joyida shinalarining qizishi natijasida kelib chiqqan yong'in bartaraf etildi. Samolyot bortida bo'lgan ekipaj a'zolari, yo'lovchilar va olib kelinayotgan tovar-moddiy boyliklarni xavfsiz hududga evakuatsiya qilish bo'yicha qo'shimcha kuchlar kelguniga qadar, aeroport qutqaruv-ta'minot guruhining harakatlari nazoratdan o'tkazildi.

Aeroport avariya-qutqaruv xizmati ekipajlari yetib kelib, yong'inni qurshab olish ishlari tashkil etildi. Yong'inga viloyat FVB

1-, 2-, 25-harbiylashtirilgan yong'in-qutqaruv qismlari ekipajlari hamda Maxsus vazifalarni bajaruvchi mintaqaviy qutqaruv otryadi qutqaruvchilari yetib kelib, yong'inni bartaraf etish choralari ko'rildi. Zudkik bilan ko'rilgan chora-tadbirlar natijasida barcha ekipaj a'zolari, yo'lovchilar hamda samolyot bortidagi tovar-moddiy boyliklar xavfsiz hududga evakuatsiya qilindi.

**Ahliddin ALIJONOV,**  
Farg'ona viloyati  
FVB OAV va  
JTBHQG boshlig'i,  
katta leytenant.

## SOG'LIK GAROVI

Toshkent shahar FVBga qarashli tuman FV bo'limlari xodimlari ishtirokida "Sport – sog'lik garovi" shiori ostida boshqarma boshlig'i sovrini uchun mini-futbol musobaqasi o'tkazildi.



Qizg'in hamda murosasiz kechgan musobaqada Toshkent harbiy prokurori adliya polkovnigi A.Boboyev va Toshkent shahar FVB boshlig'i general-mayor R.Haydarovlar ishtirok etishdi.

Musobaqadan "Eng yaxshi darvozabon", "Eng yaxshi himoyachi", "Eng yaxshi yarim himoyachi", "Eng yaxshi to'purar" nominatsiyalari o'rin olgan bo'lib,

g'olib jamoalar medal va esdalik sovg'alari bilan taqdirlanishdi.

Olmazor tumani FV bo'limi jamoasi mazkur bellashuvlarda birinchi o'rinni qo'lga kiritib, boshqarma boshlig'i sovriniga ega bo'ldi.

**A.ZUPARXODJAYEV,**  
Olmazor tumani FV  
bo'limi boshlig'i  
o'rinbosari, mayor.

Farg'ona viloyati FVB tomonidan Toshkent Axborot texnologiyalari universiteti Farg'ona filiali talabalar turar joyida maxsus-taktik o'quv mashqi tashkil etildi.

## TALABALAR UCHUN

Mashqda shartli ravishda zilzila natijasida sodir bo'lgan yong'in vaqtida jabrlangan fuqarolar binoning 3-qavatidan maxsus texnikalar yordamida evakuatsiya qilindi.

Shuningdek, mashq davomida talaba-yoshlar hamda bino ma'muriyati xodimlariga favqulodda vaziyatlarda to'g'ri harakat qilish hamda jabrlanganlarga birinchi tibbiy yordam ko'rsatish to'g'risida tushunchalar berildi.

**Ahlidin ALIJONOV,**  
Farg'ona viloyati FVB OAV va JTBHQG  
boshlig'i, katta leytenant.



## YOSH QUTQARUVCHI

Farg'ona shahar 32-umumta'lim maktabida "Yosh qutqaruvchi" musobaqasining shahar bosqichi bo'lib o'tdi.



Musobaqa 5 ta shart asosida bo'lib, bahslar yakuni bo'yicha 1-o'rinni 32-umumta'lim maktabining "Yosh jasoratlilar" jamoasi, 2-o'rinni 25-IDUMning "Turon qalqonlari" jamoasi, 3-o'rinni esa 41-umumta'lim maktabining "Maxsus qism" jamoasi egalladi.

G'olib jamoalarga shahar hokimligining sovg'alari hamda faxriy yoriqlar topshirildi.

**Abror APPONOV,**  
Farg'ona shahar FV bo'limi bo'linma  
boshlig'i, kapitan.



## МУҲИМ МАВЗУДА

Навоий кон-металлургия комбинати Ёнгин хавфсизлигини таъминлашни ташкил этиш марказининг Учқудуқ ҳамда Зарафшон шаҳарларидаги ёнгин-қутқарув қисмларининг барча ҳарбий хизматчилари ҳамда Зарафшон шаҳар ФВ бўлими шахсий таркиби иштирокида “Менинг бошқармам – коррупциядан холи ҳудуд” мавзусида ўқув семинари ўтказилди.



Унда ФВВ масъул ходимлари адлия майори Ш.Каримов, подполковник А.Абиджанов, Зарафшон шаҳар ИИБ бошлиғи ўринбосари майор Б.Фаттоев ва Зарафшон шаҳар ИИБ йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходимлари қатнашди.

Тадбирда сўзга чиққанлар томонидан Фавқуллода вазиятлар вазирининг буйруқ ва курсатмалари, одоб-ахлоқ меъёрларига қатъий риоя қилиш, коррупциявий ҳамда бошқа турдаги жиноятлар, йўл-транспорт ҳодисалари, маъмурий ҳуқуқбузарликлар ва ҳарбий интизом талабларининг қўпол равишда бузилиши каби салбий ҳолатлар содир этилишининг олдини олиш ва бошқа масалалар юзасидан ҳарбий хизматчи ҳамда хизматчиларга курсатма ва тавсиялар берилди.

**Мансур УМРЗОҚОВ,**  
Навоий вилояти ФВВ шахсий  
хавфсизлик бўлими бошлиғи,  
капитан.

**Маъруфжон ҲАЙИТОВ,**  
НКМК ЁХТТЭМ гуруҳ бошлиғи,  
катта сержант.

## ПРОФИЛАКТИК СУҲБАТЛАР

ФВВ Академияси ҳузуридаги Фуқаро муҳофазаси институтида “Худудларнинг муҳандислик муҳофазаси ва объектлар хавфсизлигини таъминлаш” кафедраси бошлиғи полковник А.Қосимов томонидан тингловчилар учун “Фавқуллода вазиятларнинг олдини олиш ва фуқаро муҳофазаси ойлиги” доирасида “Сел ва сув тошқинлари билан боғлиқ фавқуллода вазиятларнинг олдини олиш” мавзусида профилактик суҳбат ташкил этилди.



Унда тингловчиларга табиий хусусиятли фавқуллода вазиятларнинг келиб чиқиш сабаблари, уларнинг олдини олиш борасида мамлакатимизда амалга оширилаётган муҳофаза тадбирлари, шунингдек, бундай фавқуллода вазиятлар хавфи туғилганда ҳамда содир бўлганда

аҳолининг тўғри ҳаракат қилиш қоидаларидан хабардорлиги нақадар муҳимлиги таъкидланиб, бир қатор маълумотлар берилди.

**Х.АЗИМОВ,**  
ФВВ Академияси ҳузуридаги  
ФМИ катта ўқитувчиси.

## FAOL BO‘LAYLIK!

Bekobod shahar FV bo‘limi shaxsiy tarkibi hamda FVDT tuzilmalari xodimlari bilan hamkorlikda “Favqulodda vaziyatlardan muhofaza qilish va fuqaro muhofazasi” oyligi doirasida profilaktik tadbirlar olib borilmoqda.

Tadbirlar davomida aholi yashash xonadonlari, savdo komplekslari va qurilish obyektlarida turli xil ko‘ngilsiz holatlar kelib chiqishining oldini olish maqsadida joylarda fuqarolar, tadbirkorlar

hamda ishchi-xizmatchilar ishtirokida targ‘ibot tadbirlari o‘tkazib kelinmoqda.

**Akbarali HAYITBOYEV,**  
Bekobod shahar FV bo‘limi MTB  
boshlig‘i, leytenant.

Бухоро вилояти Жондор тумани ФВ бўлимида туман МФЙ раислари, фаоллари ҳамда “Сувтаъминот” туман бўлими корхонаси ходимлари иштирокида “Туман ҳудудидаги ерости сув олгичлари ва сув ҳавзаларининг ҳолати ҳамда улардан фойдаланиш тартиби” мавзусида амалий семинар ташкил этилди.

## СУВ ҲАВЗАЛАРИГА ОИД

Тадбирда ерости сув олгичларидан мақсадли фойдаланиш, уларни сақлаш тартиби ҳақида тушунтиришлар берилди.

Ерости сув олгичлар доимий сув билан таъминланганда ёнгин тез фурсатда, кам йўқотишлар билан бартараф этилади. Шу нуқтаи назардан сув олгичларни доимий шай ҳолатда сақлаш ёнгинлар оқибатида йўқотишларни камайтиради.

Семинарда туман ФВ бўлими ҳамда мутасадди ташкилотлар ходимлари таркибидан ишчи гуруҳи ташкил этилиб, тумандаги наму-

нали уйлар ҳудудидаги ерости сув олгичларнинг ҳолати ўрганилди. Ишчи гуруҳ тумандаги 21-умумтаълим мактабида ҳам бўлди. Таълим муассасасининг захира сув ҳавзаси ва ерости сув олгичларининг ҳолатига алоҳида эътибор қаратилиб, ўқув улардан мақсадли фойдаланиш усуллари ўргатилди. Бу каби тадбирлар вилоят миқёсида давом эттирилмоқда.

**Алишер УМЕДОВ,**  
Жондор тумани ФВ бўлими  
бошлиғи ўринбосари, капитан.

## TOIFALANGAN OBYEKTlarda

“Favqulodda vaziyatlarning oldini olish va fuqaro muhofazasi oyligi” doirasida Guzor tumani hududidagi “O‘zbekiston GTL” zavodida o‘quv-amaliy mashg‘ulot o‘tkazildi.



Unga obyekt FM tuzilmalari va zarur kuch-vositalar safarbar etildi. Tadbirda yong‘in haqida dastlabki ma‘lumotlarni barcha tezkor xizmatlarga yetkazish hamda ogohlantirish, shartli yong‘inni bartaraf etish uchun jalb qilinadigan kuch-vositalarni to‘g‘ri yo‘nal-

tirish, jabrlanganlarni xavfsiz hududga olib chiqish va birinchi tibbiy yordam ko‘rsatish harakatlari bajarildi.

**Samandar ARALOV,**  
“O‘zbekiston GTL” MCHJ  
OYMQYXB boshlig‘i, podpolkovnik.

## ТАРФИБОТ

Тошкент шаҳар Сергели тумани “Садоқат” МФЙ, 351-умумтаълим мактабида 105 нафар маҳалла аҳолиси иштирокида ёнгин ва фавқуллода вазиятларнинг олдини олишга оид учрашув бўлиб ўтди.

Тадбир давомида соҳа мутахассислари томонидан аҳолига ёнгин ва фавқуллода вазиятлар, уларнинг турлари, юзага келганда тўғри ҳара-

катланиш, оқибатларини бартараф қилиш, ёнгин хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ тадбирлар хусусида маълумотлар берилди.

Шунингдек, учрашув якунида аҳолига фавқуллода вазиятларда тўғри ҳаракатланишга оид кўргазмали материаллар тарқатилди.

**С.АББОСХОНОВ,**  
Тошкент шаҳар ФВВ ЁХТТЭБ  
ЁНваПБ мутахассиси,  
оддий аскар.

## МАЗМУНЛИ ВА ФОЙДАЛИ

Олмазор тумани “Ғалаба” МФЙдаги 242-умумтаълим мактабида ёнгин ва бошқа тусдаги фавқуллода вазиятларнинг олдини олиш, электр иситиш ҳамда газ мосламаларидан тўғри фойдаланиш, зилзила, сел келиши, кучли шамол эсиши билан боғлиқ фавқуллода

вазиятларда аҳолини хавфсиз жойга кўчириш, ёнгинлар, фавқуллода вазиятлар юзага келганда тўғри ҳаракатланиш юзасидан фуқаролар, тарбиячилар, педагог ва техник ходимлар, ўқувчи-ёшлар иштирокида суҳбатлар ўтказилди.

Суҳбатлар давомида масъул ходим-

ларга техника ва ёнгин хавфсизлиги қоидаларига қатъий амал қилиш лозимлиги тушунтирилиб, кўргазмали материаллар тарқатилди.

**М.МИРЗАОЛИМОВ,**  
Тошкент шаҳар ФВВ  
ЁХТТЭБ ЁНваПБ  
мутахассиси,  
оддий аскар.



## FM OYLI

Kitob tumanidagi "Parchakent" Bog'bon qishlog'i hududidan oqib o'tuvchi Qashqadaryo daryosi va Qamashi tumanidagi Changaq qishlog'i hududidan oqib o'tadigan "Qizildaryo"ning qirg'oqbo'yi mintaqasida joylashgan ijtimoiy soha obyektlari hamda aholi xonadonlari, shuningdek, daryo ustidagi ko'priklarda o'rganish ishlari olib borildi.



Qolaversa, Chiroqchi tumani "Sho'rbozor" MFY Sho'rbozor qishlog'i hududidagi "Oq oltin" soyi qirg'oqbo'yi mintaqasi yaqinida joylashgan aholi yashash xonadonlari xatlovdan o'tkazildi. Sel xavfi mavjud bo'lgan hududlarda profilaktik suhbatlar, favqulodda vaziyatlarda tog'ri harakatlanishga oid amaliy mashg'ulotlar o'tkazilmoqda.

Bu kabi tadbirlar Yakkabog', Qarshi, Ko'kda-

la va Dehqonobod tumanlarida ham amalga oshirilmoqda.

**Shaxboz BOBOMURODOV,**  
Qashqadaryo viloyati FVB  
matbuot xizmati xodimi,  
oddiy askar.

**Ozod JABHAROV,**  
Chiroqchi tumani FV bo'limi xodimi,  
kapitan.

## MUAMMOLARGA ECHIM

Поп тумани "Маданият" МФДдан оқиб ўтадиган "Кенгулсой"нинг қирғоқ ҳамда ўзанлари туман ФВ бўлими ҳамда ФВДТ хизматлари томонидан ўрганилганда, сойни Маданият, Дилобод, Қорасой ҳамда Баркамол авлод кўчалари билан боғлаб турувчи кўприк мавжуд эмаслиги аниқланган эди.



Айни пайтда туман ФВ бўлими ташаббуси билан ФВДТ хизматлари куч-воситаларини жалб этган ҳолда, "Кенгулсой" устига янги кўприк қуриш ишлари бошлаб юборилди.

Ушбу янги кўприк маҳалла аҳолиси, ўқувчи-ёшлар, мактабгача таълим ташкило-

ти тарбияланувчиларига хизмат қилади.

**Ў.ТУРДАЛИЕВ,**  
Поп тумани ФВ бўлими  
бошлиғи, подполковник.  
**Р.ЭГАМБЕРДИЕВ,**  
Наманган вилояти ФВБ  
ОАВваЖТБХҚГ  
етакчи мутахассиси.

## ТАҲЛИЛ ВА ТАВСИЯ



Жорий йилнинг 1 мартдан 1 апрелигача мамлакатимизда эълон қилинган "Фавқулodда вазиятлардан муҳофаза қилиш ва фуқаро муҳофазаси ойлиги" муносабати билан Поп тумани "Уйғурсой" маҳалласидаги ИИБга қарашли ҳарбий қисмда вилоят ФВБ ходимлари томонидан радиациявий кимёвий-биологик (бактериологик) шахсий ҳимоя воситаларидан тўғри фойдаланиш юзасидан тушунтириш ишлари олиб борилиб, махсус техникалар намоиш этилди.

Ушбу тадбирлар вилоят миқёсида давом эттирилмоқда.

**Илҳомжон ҲАСАНОВ,**  
Наманган вилояти ФВБ РКваТБМТЭБ  
катта офицери, катта лейтенант.

Qashqadaryo viloyati FVBning obyektlarda yong'in xavfsizligini ta'minlashni tashkil etish bo'limlarining Davlat yong'in nazorati inspektorlari bilan viloyatdagi o'ta muhim toifalangan obyektlarda favqulodda vaziyatlarning oldini olish va yong'in xavfsizligini ta'minlashga bag'ishlangan yig'ilish o'tkazildi.

## INSPEKTORLAR ISHTIROKIDA

O'ta muhim toifalangan obyektlarda aniqlangan kamchiliklarni bartaraf qilish va profilaktikani kuchaytirish yuzasidan boshqarma boshlig'ining favqulodda vaziyatlar profilaktikasi bo'yicha o'rinbosari hamda ko'p yillik tajribaga ega davlat yong'in nazorati inspektorlari tomonidan yosh inspektorlarga obyektida qanday harakat qilish, profilaktikani qay yo'sinda olib borish, qoidabuzarliklarning oldini olish to'g'risida mashg'ulot olib borildi.

Shuningdek, yig'ilishda yosh inspektorlar tomonidan yo'l qo'yilayotgan xato va kamchiliklar hamda ularni bartaraf etish bo'yicha tegishli ko'rsatmalar berildi.

**A.INAYATULLAYEV,**  
Qashqadaryo viloyati FVB OYXTEB  
boshlig'i, podpolkovnik.  
**A.MUZAPOV,** katta inspektor, katta leytenant.

Бухоро вилояти ФВБ шахар ва туманлар ФВ бўлимлари бошлиқлари, уларнинг уринбосарлари, норматив-техник бўлинмалар бошлиқлари, профилактика ва назорат бўйича инспекторлар ҳамда ФВДТ ва ФМ фаолиятини ташкил этиш бўлинмаси бошлиқлари иштирокида ўқув семинари ўтказилди.

## МАЛАКАЛАР МУСТАҲКАМЛАНДИ

Семинарни бошқарма бошлиғи полковник А.Абдухаликов кириш сўзи билан очиб, тадбир аҳамиятига тўхталди.

Шундан сўнг ўқув семинари дастурига мувофиқ, Бухоро вилояти Маъмурий ва терговга қадар текширувни юритиш бўлими бош инспектори томонидан профилактика ва назорати органлари томонидан ёнғинлар бўйича терговга қадар текширишни олиб бориш тартиби ва расмийлаштириладиган

ҳужжатларни тузиш, маъмурий чораларни қўллаш ва ҳужжатларни белгиланган тартибда тўлдиришда йўл қўйилаётган камчиликларга тўхталиб ўтилди.

Семинар давомида бошқарма ЁНваПТЭБ бош инспектори ҳам сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси ФВВнинг соҳага оид тегишли низом ва буйруқларининг мазмун-моҳиятини етказган ҳолда, мутахассисларга зарур кўрсатма ва тавсиялар

берди.

Тадбир якунида келгусида амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирлар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

**Наргиза АЙНАЗАРОВА,**  
МваТҚТЮТ  
бош инспектори,  
подполковник.  
**Шерзод ЯРАШЕВ,**  
ЁНваПТЭБ  
бош инспектори,  
капитан.

Qamashi tumani "O'zbekiston" mahallasidagi 5 qavatli aholi turar joylarida insonlarni shartli yong'indan qutqarish hamda oqibatlarini bartaraf etish yuzasidan o'quv mashg'uloti o'tkazildi.

## KO'P QAVATLI UYLARDA



Unda tumani ichki ishlar bo'limi, elektr, gaz, suv ta'minoti, aloqa hamda tez tibbiy yordam xizmatlari kuch va vositalarining hamkorlikdagi harakatlari namoyish etildi.

Tadbir davomida qutqaruvchilarning baland qavatli binolardan fuqarolarni qutqarish borasidagi harakatlari sinovdan o'tkazildi.

**O.XUSHVAQOV,**  
Qamashi tumani  
FV bo'limi NTB boshlig'i,  
kapitan.

**A.OMONQULOV,**  
bo'linma boshlig'i,  
kapitan.



## Ёшлик илҳоми

Малоҳат  
НИЗОМОВА,  
Навоий  
инновациялар  
институти  
2-босқич  
талабаси.



## НАВРУЗ

Совуқ қаҳратонлар утди-ку жондан,  
Бир ёнда дўллару қорлар бир ёндан,  
Ҳаёт ўзгачадир сен келган ондан,  
Бизга қутлуғ келгин, келтириб ризқ-рўз,  
Ўлкамда хуш кўрдим мен сени, НАВРУЗ!

Бойчечак далада кўтарибди бош,  
Осмонда ўзгача нур сочар кўёш,  
Кутишганди сени барча кекса-ёш,  
Бизга қутлуғ келгин, келтириб ризқ-рўз,  
Ўлкамда хуш кўрдим мен сени, НАВРУЗ!

Қалдирғоч парвозин соғинганди дил,  
Келинчақлардексан лол қолади тил.  
Янгиланишлардан яшарар кунгил,  
Бизга қутлуғ келгин, келтириб ризқ-рўз,  
Ўлкамда хуш кўрдим мен сени, НАВРУЗ!

Гина-кудуратлар ортда қолади,  
Бодомлар гулмунчоқ тақиб олади,  
Қуриган ариқлар сувга тўлади,  
Бизга қутлуғ келгин, келтириб ризқ-рўз,  
Ўлкамда хуш кўрдим мен сени, НАВРУЗ!

Бундай вақт сендадир, бир сенда фақат,  
Уйқудан уйғонар бутун табиат,  
Сумалак кавлашиб қилишар ният.  
Бизга қутлуғ келгин келтириб ризқ-рўз,  
Ўлкамда хуш кўрдим мен сени, НАВРУЗ!

Турналар арқондек тизилиб келар,  
Осмонда варрақлар сайили булар,  
Кўксомса, ҳалимга қозонлар тулар  
Бизга қутлуғ келгин келтириб ризқ-рўз,  
Ўлкамда хуш кўрдим мен сени, НАВРУЗ!

Доим шундай бўлсин ҳар битта фасл,  
Мусаффо ва тиниқ бўлсин осмоним,  
Шундан шодиёна кўпайсин юрtda,  
Наврузинг муборак, ЎЗБЕКИСТОНИМ!



## АЙЁМ ТАНТАНАСИ

Тошкент шаҳар Сергели туманидаги 264-умумтаълим мактабида “Хуш келдинг, Навруз!” деб номланган байрам тантанаси ташкил қилинди.

Тадбирда мактаб раҳбарияти, ота-оналар ва ФВВ Бирлашган таҳририяти масъул котиби, шоир Баҳодир Обид иштирок этди.

Тантанада ўқувчилар томонидан тайёрланган бадиий дастурлар намойиш қилиниб, баҳорий таом-

лардан иборат “байрам дастурхони” курик-танлови утказилди.

Байрам кечасида фаол иштирок этган ўқувчилар ҳамда танлов ғолиблари мактаб раҳбарияти томонидан фахрий ёрлиқлар билан тақдирланди.

**Шаҳноза РАҲИМОВА,**  
мактаб кутубхоначиси.  
**Одина ВАЛИЕВА,**  
ижодкор тарғиботчи.



## Навруз - праздник НОВОГО ДНЯ



21 марта – самый разумный выбор даты празднования Нового года в Средней Азии. Главным среди обычаев празднования Навруза в Узбекистане, пожалуй, остается новогоднее угощение «сумалык» – блюдо, сваренное на дровяном огне из муки и проросших зерен пшеницы, иногда с добавлением специй. Проросшее зерно – символ жизни, тепла, изобилия и здоровья. Праздник Навруз возвещает радостное пробуждение природы после зимы и земледельцы начинают посевные работы. В главный день праздника и последующие тринадцать дней принято ходить в гости, посещать родственников, покупать и сажать саженцы молодых фруктовых деревьев, собираться на лоне весенней природы.

Специальное, поисковое, пожарно-спасательное управление “Камчик” так же широко

отмечает этот весенний праздник. В преддверии Навруза весь личный состав управления принимают активное участие в подготовке к празднику. Был устроен «Хашар», в котором военнослужащие вместе со своими семьями сажали саженцы молодых деревьев, убрали территорию. Потому что Навруз – праздник возрождения, избавления от всего плохого и надежды на процветание и обновление.

В связи с вышесказанным, хочу поздравить всех с этим чудесным праздником. Пусть в Ваших семьях царит благополучие и взаимопонимание, пусть Навруз принесёт с собой весеннюю радость и надежду на светлое будущее!

**Э.МУБЕРАКШИНА,**  
начальник финансового  
отдела СППСУ “Камчик»,  
мл.сержант.



## Vaziyat

газетаси

**Муассис:**  
**Ўзбекистон**  
**Республикаси**  
**Фавқуллода**  
**вазирлар**  
**вазирлиги**

Бош муҳаррир в.б.  
**Азамат СУЙОНОВ**

Газета таҳририят  
компьютерхонасида  
саҳифаланди.

Газета ҳар ҳафтанинг  
пайшанба куни чиқади.  
Топшириш вақти — 15:00.  
Топширилди — 15:00.

Навбатчи:  
**Б.ВАЛИЕВ**

Таҳририятга юборилган  
материаллар қайтарилмайди ва  
изоҳ берилмайди.  
Муаллифлар фикри таҳририят  
нуқтаи назаридан фарқланиши  
мумкин.

Газетадан олинган  
материаллар манбаси  
кўрсатилиши шарт.

Газета Ўзбекистон  
Матбуот ва ахборот  
агентлигида 2007 йил  
3 январда 0096-ракам  
билан рўйхатга олинган.  
**ISSN 2091-5292**

**Таҳририят манзили:**  
100084, Тошкент шаҳри,  
Кичик ҳалқа йўли, 4-уй.  
Тел.: (71) 231-96-71  
Телеграмм: (90) 016-87-67

**Индекс:**  
якка обуначилар ва  
ташкilotлар учун – 382

Газета  
“BUSINESS PRINT DESIGN”  
босмахонасида босилди.  
**Манзил:** Тошкент шаҳри,  
Сўгалли ота кўчаси, 5-уй.  
Буюртма №  
Бичими: А3, ҳажми: 2,0 б.т  
Адади — 7200 нусха